

ҲУҚУҚИЙ АҲБОРОТ МАРКАЗИ ТАҚДИМОТИ

1921 йилда Бухоро Халқ Республикаси маориф нозири Мусожон Саиджонов ташаббуси билан ташкил этилган шаҳар кутубхонаси уша даврда 1187 нусха адабиётга ва 350 нафар китобхонга эга эди. Ҳозир Ибн Сино номидаги вилоят универсал илмий кутубхонаси сифатида элга танилган бу зиё масканидаги 400 мингдан зиёд китобдан 14 мингга яқин киши бахраманд бўлмоқда.

Яқинда ташкил топганига 80 йил тўлган бу кутубхонанинг Шарқ адабиёти бўлимида тиббиёт, фалсафа, математика ва бошқа соҳаларга оид кўпгина қадимий қўлёзма китоблар эъзозланиб сақланмоқда. 20-йилларда нашр қилинган "Бухоро ахбори", "Озод Бухоро", "Камбағал деҳқон", "Қизил Ўзбекистон" газеталарининг таҳла-малари ҳам кутубхона жамғармасининг нодир нашрларидан ҳисобланиб, юртимиз ўтмишини, матбуот тарихини ўрганаётган ҳамда тадқиқ этаётганларга бебаҳо манба сифатида хизмат қилмоқда.

Истиклол даврида республика-мизда нашр этилган адабиётлар билан ўз жамғармасини бойитган бу зиё маскани ҳозир вилоятдаги 450 та кутубхона учун услубий марказ вазифасини ўтамоқда. Китоб тарғиботининг замонавий услубларидан унумли фойдаланаётган зиёкорлар Ўзбекистон кутубхоналар ассоциацияси, Сорос жамғармасининг Очиқ Жамият институти ва бошқа халқро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилмоқдалар. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, кишиларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, меҳнат фуқаролик иқтисодий ҳуқуқларини, мамлакатимиз Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунларни

чуқур ўрганишларига кўмаклашиш мақсадида кутубхонада ташкил этилган ҳуқуқий ахборот маркази ана шу ҳамкорликнинг ўзига хос самараси бўлди.

Куни-кеча вилоят жамоатчилиги, халқаро ташкилотлар вакиллари, маданият ходимлари ва кўпсонли китобхонлар иштирокида мазкур марказнинг тақдимот маросими ўтказилди. Унда сўзга чиққан вилоят ҳокими ўринбосари М.Бўронов ҳуқуқий ахборот марказининг вилоят аҳолисининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишда тутган ўрни хусусида атрофлича тўхталиб, ушбу марказни ташкил этишга, уни техника воситалари билан таъминлашга амалий ёрдам кўрсатган Сорос жамғармасининг Очиқ Жамият институти вакилларига миннатдорчилик билдирди.

Республика Президенти Девонининг масъул ходими, Ўзбекистон кутубхоналар ассоциациясининг раиси А.Умаров ташкил этилганига 80 йил тўлган вилоят кутубхонасининг ходимларини, китобхонларни бу кутлуғ сана билан муборакбод этди, маънавият ва маърифатни янада тараққий эттиришга кўмаклашиш бўйича зиёкорлар олдидан турган долзарб вазифалар ҳақида гапирди.

Сорос жамғармасининг Ўзбекистондаги Очиқ Жамият институти лойиҳаси бош координатори Н.Раҳмонов, шу халқаро ташкилот ҳузуридаги республика ҳуқуқий ахборот марказининг директори У.Собиров вилоят аҳолиси ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб этишда фаол қатнашаётган янги марказнинг Интернет тармоғи ҳамда электрон почта воситасида жаҳондаги кўпгина кутубхоналарда мавжуд бўлган юридик адабиётлардан фойдаланиш учун

бухороликларга яратаётган қулайликларини амалий ишлар мисолида кўрсатиб ўтдилар ҳамда бундай имкониятлар доирасини кенгайтириш мақсадида марказга яна битта замонавий компьютерни ҳамда EIFL Direct лойиҳаси бўйича тайёрланган дискларни совға қилдилар. Эндилликда ҳуқуқий ахборот марказига келувчилар бу дисклардан фойдаланиб, АҚШ, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда тадбиркорлик, гуманитар ва ижтимоий фанлар, шунингдек бошқа соҳалар бўйича нашр қилинаётган 3500 журналнинг 10 ииллик таҳла-малари матни билан компьютер воситасида ганишишлари мумкин.

Вилоят кутубхонаси директори М.Самадова, ҳуқуқий ахборот маркази мудирини З.Салимова, ушбу марказ ҳуқуқшуноси У.Рўзиевлар тақдимот маросими ўтказилаётган марказни зарур адабиётлар, компьютерлар ва бошқа техника воситалари билан таъминлаган, китобхонларнинг Интернет тармоғи ва электрон почтадан беиул фойдаланиб, тегишли ахборотларни олишлари учун барча шароитларни яратган, жаҳондаги қатор кутубхоналар билан алоқани ўрнатишга, бухоролик зиёкорларнинг хориждаги кутубхоналарда малака оширишларига моддий ёрдам кўрсатаётган Сорос жамғармасига, Ўзбекистон кутубхоналар ассоциациясига миннатдорчилик билдирдилар ҳамда ахборот маркази фаолиятини янада яхшилаш, тадбиркорларга, хотин-қизларга, болаларга, барча катламдаги аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш, уларнинг бу борадаги билимларини бойитиш бўйича амалга ошириладиган ишлар режаси билан ўртоқлашдилар.